O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 23 май ШАНБА
№ 41 (12.156)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

*Қўшма корхоналарда*

**2006 йилнинг март ойида Тошкент туманида "HI – TECH KABEL" Ўзбекистон – Британия қўшма корхонаси очилганида унинг истиқболига катта ишонч билдирилганди. Бу ишонч оқланди – хозирга келиб корхона экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимизда етакчилик қилмоқда.**





## ЧЕТДАН КЕЛТИРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ



Завод ҳудудига кириб боришингиз биланоқ учинчи минг йиллик корхонасида эканлигингизни ҳис эта бошлайсиз. Алюмин, мис, электромеханика, азот цехларидан тортиб, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ишлари олиб бориладиган ёрдамчи механика бўлими корхонанинг ўзагини ташкил этади. Бу ерга жаҳонга машҳур энг яхши ишлаб чиқарувчилардан юқори технологик ускуналар олиб келиб ўрнатилган. "Kosenbahl" (Австрия)" Troester" ва "Hiqh-Volt" (Германия) "Samp" ва "Caballe" (Испания), "Nokia" (Финляндия), "Well Gain Cable Sistems" (Хитой) компанияларининг бу технологиялари қуввати юқорилиги, ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳимояланганлиги билан ажралиб туради.

Корхона маҳсулотлари махсус назорат сертификатларига мос ҳолда ишлаб чиқарилади. Асосийси, корхонада ИСО 9001: 2000 сифат менежменти тизими халқаро стандарти жорий қилинган. Унинг кафолати билан мустақил тажрибалар ўтказиш имконини берувчи Марказий Осиёда ягона лаборатория ташкил этилган.

"HI–TECH KABEL" корхонаси иш бошлаганидан буён мамлакатимизга чет эллардан кабель-ўтказгич маҳсулотларининг олиб келиниши сезиларли даражада қисқарди. Масалан, қуввати 35 киловатт бўлган 150 миллиметрли кабель маҳсулотлари хориж валютасида анча қиммат нархда сотиб олинаётган эди. Худди шу маҳсулот корхонада 4 баробар арзон. Шунингдек, бу ерда пластмасса ўрамидаги 1-220 кВт кучланишга эга, 500 миллиметрли мис ва алюминий қопламали назорат-қурилма ва монтаж учун зарур бўлган эгилувчан ўтказгич кабеллар, жами 1000 дан ортиқ номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

– Марказий Осиёнинг ҳали ҳеч бир жойида ишлаб чиқарилмаган янги авлод кабель-ўтказгич маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, – дейди корхона директори Шуҳрат Каримов. – Ҳозир полиэтилен қопламали 10-35 киловатт кучланишга эга кабель турини ишлаб чиқара бошладик. Бундан ташқари, шу йилнинг охирида 110-220 киловатт юқори кучланишга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Шу ерда қисқа муддат ичида иккита янги цехимиз ишга тушади. Қарабсизки, ишчиларимиз 100 нафарга кўпаяди.

Ўзини-ўзи тутиб турувчи изоляцияланган ўтказгичларни ишлаб чиқариш – корхонанинг истиқболдаги лойиҳаларидан. Бундай ўтказгичлар жуда тежамли, ишончли ва фодаланиш учун анча чидамли. Бошқа ўтказгичлардан фарқи уларни ўрнатишнинг афзаллигида. Тармоққа ўзбошимчалик билан уланиб олиш, электр энергиясини ўғирлаш, турли ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш кафолатланган.

– Мен архитектура-қурилиш институтини битириб, бу ерга келганман, – деди Шоислом Туробов. – Фаолиятимни оддий ишчиликдан бошлаган бўлсам, ҳозир муҳандис-синовчи даражасига етдим.

Ўтган қисқа муддат ичида Ҳасан Розиқулов, Артур Пак, Шуҳрат Ўрмонов, Сергей Черпанов ва бошқалар оддий ишчиликдан тажрибали мутахассисга айланишди. Ҳозир корхона ишчилари 360 кишига етди.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** қўшма корхонада буюртмалар тез ва соз бажарилади; цех устаси Наби Расулов хуш кайфиятда ишлашга одатланган.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Тошкентда 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида баён қилинган материаллар, қоида ва хулосалар юзасидан халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 60 мамлакатидан 150 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнес вакиллари ва дипломатлар, олим ва экспертлар иштирок этди. ЎзА мухбирлари анжуман қатнашчиларидан айримларининг фикрлари билан қизиқди.**

**Магди ДАЙФ, Миср Араб Республикаси ахборот вазири маслаҳатчиси, журналист ва сиёсий шарҳловчи:**

– Юқори савияда ташкил этилган бу конференция нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг барча мамлакатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий салоҳиятидан ёрқин далолатдир. Юртингизда халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб бораман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсат боис мамлакатингиз фақат иқтисодий эмас, барча соҳада изчил тараққий этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида глобал молиявий-иқтисодий инқирозни келтириб чиқарган сабаблар, унинг оқибатларини енгиллаштириш ва бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган.

**Ли ФЭНЛИНЬ, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Ривожланиш тадқиқотлари маркази ҳузуридаги Европа ва Осиё ижтимоий ривожланиш институти директори:**

– Дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар кўрсатаётган молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўли нечоғли тўғри эканини яна бир бор исботлади. Бу анжуман мамлакатингизда иқтисодий бўҳронни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар билан танишиш имконини берди.

Давлатингиз раҳбарининг китобини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг беш асосий тамойили мамлакатингиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини бартараф этишида муҳим аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўлдик.

**Хартли БУТ, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгаши ҳамраиси:**

– Ўзбекистон – иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган ҳақиқатдир. Турли мамлакатлардан келган экспертлар, олим ва мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиш имконини берган ушбу йирик анжуман халқаро инқироз таъсирини енгиллаштириш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Бу борада Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва ундан ўрнак олиш ҳам жуда муҳимдир. Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ўз минтақасида иқтисодий ўсиш бўйича етакчи ўринда туради.

Буюк Британия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли иш юритиши учун қулай шароит яратилган. Бу британиялик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини тобора кучайтирмоқда.

**Азамат ХАЁТХОН, Покистон Минтақавий тадқиқотлар маркази директори, Пешовар университети ректори:**

– Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби жаҳон иқтисодиётини мураккаб ҳолатдан олиб чиқиш йўлида кўплаб мамлакатлар учун муҳим илмий қўлланма бўлиб хизмат қилади, дейиш учун барча асослар бор. Ушбу асарда жаҳон молиявий инқирози даври ва ҳолати, унинг тарқалиш сабаблари аниқ таҳлил этилган. Унда инқироз таъсирини бартараф этиш бўйича аниқ фикрлар баён қилинган. Хусусан, саноатни модернизация қилиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, инновацион технологиялар жорий этиш масалалари ўз аксини топганки, булар эътиборга моликдир.

Ўзбекистон иқтисодий соҳада эришган ютуқлардан ҳайратландим. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг ўзбек модели нақадар тўғри ва пухта ишланганини яна бир бор исботлади.

**ЎзА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.**

## БИРГА ПАРВОЗ ҚИЛАМИЗ

**Шу йилнинг 21 июнь куни "Чехия авиалинияси" компанияси Прага – Тошкент – Прага йўналиши бўйича доимий тўғридан-тўғри ҳаво рейсларини йўлга қўяди.**



Тошкентдан парвозлар ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари соат 10:05 да амалга оширилади. Самолётлар салонида йўловчилар учун бизнес ва эконом классларида ҳар жиҳатдан қулай хизматлар кўрсатилади.

Чехия авиакомпанияси 1923 йилнинг 6 октябрида ташкил топган. Бу йилдан эътиборан у мамлакатимизда ҳам хизмат кўрсата бошлайди. Авиакомпания дунёнинг 45 мамлакатига 105 та йўналиш бўйича парвозларни таклиф этади. Ҳаттоки, парвозлар жадвалидан Америка қитъасининг Нью-Йорк шаҳри ва Торонта штатларига учувчи рейсларни топиш мумкин.

– Биз Ўзбекистондек давлатда ўз фаолиятимизни бошлаётганимиздан мамнунмиз, – дейди Чехия авиакомпаниясининг вакили Васлов Крал матбуот анжуманида. – Тахминимизга кўра, йилнинг охиригача 10 мингдан зиёдроқ ўзбекистонлик йўловчилар бизнинг хизматларимиздан фойдаланишади. Йўлга қўйилаётган ҳаво рейслари мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларнинг мустаҳкамланишига ва туризмнинг ривожланишига ёрдам бериши қувонарлидир.

Яна бир янгилик. "Чехия авиалинияси" компанияси ва унинг авиачипталарини сотиш бўйича мамлакатимиздаги ҳамкори "Air Travel System" компанияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун махсус танлов эълон қилди. Унга кўра, Чехия давлати, туризми ва Ўзбекистон билан алоқалари ҳақида қизиқарли мақола, кўрсатув ва эшиттириш тайёрлаган журналистлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишади.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГЛАЙДИ

**Ҳадемай, мактабларимизда сўнгги қўнғироқ садоси янграйди. Ҳа, ўқувчилар яна бир ёшга улғайишади. Битирувчилар эса, қадрдон таълим масканларини тарк этаётирлар.**



Улар олган билимларини мустаҳкамлаш учун турли ўқув юртларига қабул қилинадилар. Бу йил мамлакатимизнинг мавжуд умумтаълим мактабларини етти юз минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар тугалламоқда. Шулардан олти юз мингга яқини 9-синфни тамомлаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттирса, 11-синф битирувчилари катта ҳаяжон билан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътиборга жавобан Ватан тараққиёти, истиқболи учун хизмат қилишлари шубҳасиз.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

**Ангрен шаҳридаги "Облиқ" болалар спорт мажмуасида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси доирасида аҳоли ўртасида спортни оммалаштиришга қаратилган "Соғлом она – соғлом бола" оилавий спорт тадбири ўтказилди.**

## СПОРТСЕВАР ОИЛАЛАР

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказган мусобақада қатнашчилар арқон тортиш, 100 метр масофага арғамчи билан югуриш, баскетбол тўпини халқага тушириш каби шартларни бажардилар.

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.**

*Умид ниҳоллари – 2009*

## ЮРТ МАШЪАЛАСИ ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТАДИ

**Роппа-роса бир ҳафтадан сўнг мамлакатимиз ўқувчи-ёшлари ҳаётида яна унутилмас кунлар бошланади. Улар анъанавий ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари – 2009" спорт мусобақаларининг республика босқичида иштирок этиш учун Сирдарё вилоятида тўпланишади.**

Шу муносабат билан терма жамоамиз аъзолари беллашувларга сўнгги тайёргарлик кўраётган бир вақтда вилоятимиз ҳудудида ҳам жиддий ҳозирлик ишлари олиб борилмоқда. Чунки мусобақаларнинг машъаласи Паркент туманидаги "Қуёш физикаси" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида аланга олдирилади. Биз ҳар икки жараённинг бориши билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик.

Вилоятимиз терма жамоаси 157 нафар кишидан иборат. Уларнинг 128 нафари спортчи, 18 нафари мураббий ҳамда 11 нафари ҳакамлардир. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг бевосита саъй-ҳаракати билан 12 та спорт тури бўйича терма жамоа аъзоларининг ўқув-йиғин машғулотлари ўтказилди. Машғулотлар Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари ва Паркент, Янгийўл, Қибрай туманларида юқори савияда ва талаб даражасида ташкил этилди. Бу эса спортчиларимизнинг мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашларига бўлган ишончини янада орттиради. Шунингдек, таркибдаги мураббий ва ҳакамлар учун махсус семинарлар ўтказилди. Ҳар бир семинар мураббийлар маҳоратини оширишга, шогирдларининг имкониятларини тўғри йўналтира олишга ёрдам бераётган бўлса, ҳакамлар мусобақаларда ғолибларни аниқлаш, ўйинлар тақдирини аниқ ва асосли ҳал этиш бўйича назарий ва малакавий билимларини бойитишди.

– Бу йил "Умид ниҳоллари" тўртинчи маротаба ўтказилмоқда. Бу ҳар биримизга катта масъулият юклайди, – деди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Баҳодир Аҳмедов. – Тайёргарликни спорт турлари бўйича мавжуд имкониятларимизни кўриб чиқишдан бошладик. Қайси спорт турлари бўйича имкониятларимиз юқори ёки пастлигини бирма-бир таҳлил қилдик. Ўқув-йиғин машғулотларини шу асосда ташкил этдик. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиляпти. Барчамизнинг мақсадимиз терма жамоамизни кучли учликка киритишга қаратилган.

(Давоми 4-бетда).

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси ташаббуси билан Бўка туманидаги 1-умумтаълим мактабида "Китоб – ҳаёт ойнаси" шиори остида марафон ўтказилди.**

## КИТОБ – ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Ундан кўзланган мақсад ўқувчи-ёшларнинг китобга бўлган қизиқишларини ўстириш, уларни зарур бадиий, илмий ва оммабоп ўқув адабиётлари билан таъминлашдан иборат бўлди.

Марафонда тадбир ҳамкорлари – туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ахборот-ресурс маркази ҳамда мактабнинг собиқ ўқувчилари бўлган тадбиркор ва фермерлар томонидан 750 номдаги китоблар ўқувчи-ёшлар ихтиёрига берилди.

Тадбир ижодкорлар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокидаги мушоирага уланиб кетди.

**Ғазиза СОДИҚОВА.**

# 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

**Юртбошимиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури хусусида фикр юрита туриб, энг аввало, қишлоққа саноатни, сервис тизимини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш орқали қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва турмуш фаровонлигини оширишдек муҳим мақсадларга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.**

## ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ ИНТИЛЯПМИЗ

Бу мақсадлар туманимизнинг 9 бўлим, 90 банддан иборат дастурида ўз ифодасини топган. Шуниси эътиборлики, унда белгиланган вазифалар қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқ аҳлининг орзу-истакларини рўёбга чиқаришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Бугун барча куч-ғайрат, саъй-ҳаракатларимиз ҳамда моддий имкониятларимизни шу ниятларни амалга оширишга қаратганмиз.

Бу йил туманимиз фермерлари 745 гектар майдонга сабзавот, 289 гектарга помидор, 150 гектарга картошка, 95 гектарга бодринг, 92 гектарга пиёз ва 3424,5 гектарга эса, озуқа экинлари экишни режалаштиришган. Айни кунларда мўл ва сифатли маҳсулот етиштириш учун дала ишлари тобора авж олдирилмоқда. Саноат ишлаб чиқариши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жиддий эътибор қаратилаётир. Йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес эгалари ва хусусий тадбиркорларнинг айланма маблағларга бўлган талабини қондириш мақсадида туман тижорат банклари томонидан миллиард сўм кредит ажратилди. Бу ўнга яқин корхоналарни ишга тушириш имконини берди. Айниқса, «Ҳакима Нур», «ITS TEXTILL», «BEST METALL», «CONSTRUCTON TEXPRINT INVEST», «SAMIRA TEXS», «ASIL FAYZ», «NUR» каби корхоналар ўз маҳсулотлари, ишлаб чиқариш салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради.

Юртбошимиз Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Туманда айни шу мақсадга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Бугун "Ҳакима Нур" хусусий корхонаси ойига 150 тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона ишга туширилгач, 60 нафар киши иш билан таъминланди. «SAMIRA TEXS» корхонаси йилига 5000 дона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради. «ITS TEXTILL» корхонаси эса 600 тонна пахта чиқиндисини қайта ишлаш ва экспорт қилиш қувватига эга.

Ҳозир бундай корхоналар янада кўпаймоқда. «ASIY TRIDI» қўшма корхонаси ишга туширилса, йилига 250 миллион дона бир марталик шприц ишлаб чиқарилади. Эътиборлиси шуки, 600 та янги иш ўринлари яратилади. «NAREXPO VEGO» қўшма корхонаси 4000 дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда ҳам бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, "Тошкентгўшт" корхонаси биносини қайта модернизациялаш ҳисобига «Акварелла Лимитед» корхонаси томонидан шиша идиш ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бу корхонага 5 миллон АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган.

Туманимизда касаначилик асосидаги уй меҳнатини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу пайтгача жойларда 1029 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Паррандачилик соҳасини ривожлантиришга ҳам кенг ўрин берилган. Хусусан, "Нур" ҳиссадорлик жамиятига Украинадан 50,5 минг бош парранда жойлаштириш мумкин бўлган замонавий ускуна олиб келинди. Бунинг эвазига ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга ошди. Энг муҳими, ем харажати 50 фоизга тежалади. "Ломан Ишонч Надежда" корхонасида 1,5 миллион дона тухум, 15 минг наслли жўжа етиштириш йўлга қўйилган. Яқинда Самарқанд шаҳрининг "Оголок Ломан" қўшма корхонасидан 300 минг дона наслли парранда тухуми олиб келинди. Натижада, қўшимча 25 та янги иш ўрни очилди.

Жойларда сервис ва хизмат кўрсатишга кенг ўрин берилганлигини қишлоқларда очилаётган янги-янги объектлардан ҳам билиш мумкин. Шу кунгача туманимизда 28 та сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилиб, 521 йигит-қиз иш билан таъминланди. Йил охирига бориб яна қўшимча 50 та савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга туширишни режалаштирганмиз.

Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳажми шу йилнинг биринчи чорагида 3 миллиард сўмга етди. Капитал қурилишга киритилган инвестициялар ҳажми 5,2 миллиард сўмга етди. Биринчи чоракда 4,6 минг квадрат метр уй-жой қурилди. 1,8 километр узунликда ичимлик суви, 2,2 километр масофада газ қувурлари тортилди.

Бу йил 4 та мактаб капитал реконструкция, 2 та қишлоқ врачлик пункти капитал таъмирланади. Назарбек қишлоғида агросаноат касб-хунар коллежи, Қатортол қишлоғида академик лицей фойдаланишга топширилади.

Бугун қайси қишлоққа борманг, албатта, бирор қурилиш – янги гузар барпо этиш ёки ободонлаштириш ишларининг устидан чиқасиз. Бу табиий ҳол, чунки, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туманимизда катта ўзгаришлар, янгиланишлар юз бераётир.

**Акмал ИСАБОЕВ,**
**туман ҳокими.**



"Эркин Искандаров Шуҳрат" фермер хўжалигининг ҳозирги кунда ер майдони 53 гектар бўлиб, ғалла ва сабзавот етиштириш билан шуғулланади.

**СУРАТДА:** (чапдан) фермер Рихсивой Баҳромов, иш юритувчи Ёрқин Тўйчибоев ҳамда ишчи Учқун Шокиров ғалланинг бугунги ҳолатини кўздан кечирмоқдалар.

- *Йилнинг биринчи чорагида туманда 932 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 1029 тани ташкил этди.*
- *Ўтган давр мобайнида туман ташқи савдо айланмаси 7,9 миллион АҚШ долларига етди.*
- *Туман дастурига асосан, "NAREXPO VEGO" корхонасига 297,5 минг, "Акварелла Лимитед" қўшма корхонасига 5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилади.*
- *Тадбиркор ва фермерлар аҳоли дастурхони ва қайта ишлаш корхоналарига ўтган чоракда 2196 тонна сабзавот, 2254 тонна гўшт, 5156 тонна сут, 18581,8 минг дона тухум етказиб беришди.*
- *Туманда йилига 250 миллион дона бир марталик шприц ишлаб чиқариш қувватига эга "Азия Траде" ҳамда "NAREXPO VEGO" шифер ишлаб чиқариш қўшма корхонаси ишга туширилади. Уларда жами 750 нафардан зиёд янги иш ўринлари яратилади.*
- *Янги иш жойлари яратилишига 1,2 миллиард сўмлик банк кредити, 3 миллиард сўмлик хўжалик ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда 420,0 минг евро хорижий сармоя сарфланди.*

**Юрт фаровонлиги ободликдан бошланади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан аҳоли истиқомат жойларининг замонавий қиёфасини шакллантириш, уларни ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, коммуникация тизимини кенгайтириш бўйича дастур ишлаб чиқдик.**

## ҲАМИША КАМАРБАСТА

Йил бошиданоқ асосий эътиборни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига қаратдик. Жумладан, қишлоқ ҳудудида 10 минг туп терак, 4,5 минг туп мевали, 680 туп манзарали, шунингдек, 28 минг 400 туп бир йиллик, 4700 туп кўп йиллик гул кўчатлари экилди. Кам таъминланган 17 оиланинг уйи таъмирдан чиқарилди. 3 километр йўл қайта асфальтланди.

Қишлоғимизда беш-олти миллат вакилларидан иборат 6723 киши аҳил ва иноқликда яшайди. Меҳнатга яроқли 3607 кишидан 2588 нафари турли соҳаларда банд. Вақтинча ишсиз фуқароларимиз ҳам бор. Шу сабаб, асосий эътиборни бандлик масаласига қаратмоқдамиз. Дастлабки натижаларимиз чакки эмас. 38 киши танлаган касблари бўйича доимий иш билан таъминланди. Касаначиликни ривожлантириш ҳисобига яна 18 киши ишли бўлди. 16 нафари эса, уй шароитида қорамол боқишни йўлга қўйди. Улар учун меҳнат дафтарчалари очилди.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари ҳам доимий эътиборимизда. Ҳудудда битта мактаб, иккита болалар боғчаси, битта қишлоқ врачлик пункти, 12 та озиқ-овқат ҳамда битта саноат моллари дўкони ишлаб турибди. Иккита оталар чойхонаси, бешта сартарошхона, телерадио, пойабзал тузатиш устахоналари, кутубхона, учта деҳқон бозори аҳоли хизматида.

Дастурдан аҳоли иштирокида маънавий-маданий тадбирлар, суҳбат-учрашувлар ўтказиш ўрин олган. Яқинда, маҳалла таклифи билан 9-умумтаълим мактабида маънавий-ахлоқий мавзуда учрашув бўлиб ўтди. Унда турмуш муносабатлари, оила фаровонлиги омиллари, ёшлар, никоҳ мажбуриятлари хусусида фикр-мулоҳаза юритилди.

Олдимизда яна бир қанча масъулиятли ишлар турибди. Бу йил 10,3 километр йўл капитал ва жорий таъмирланади. Бунинг учун 18 миллион сўм сарфланади. Бюджет манбалари ҳисобидан Қорақамиш йўналишидаги 100 метрли кўприк таъмирланади.

Уй меҳнатини йўлга қўйиш, ривожлантириш ҳисобига 155 иш ўрни яратилади. Иккита маҳалла гузари қурилади. Иккитадан савдо ва маиший хизмат шохобчалари очилади. Барча ижтимоий объектларнинг ташқи қиёфаси ҳамда ҳудудлари тартибга келтирилади.

Жойларда замонавий янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мини-технологиялар воситасида қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз.

**Миркомил ЖЎРАЕВ,**
**Чиғатой Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

## Зангиота тумани:

# ҲАР БИР ҲАРАКАТИМИЗ ЮРТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



**Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан устун эканлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Айниқса, шифокорлар буни чуқур англашади. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида туманимизда амалга оширилаётган ишлар самарасида буни юракдан ҳис қиляпмиз. Бугун қишлоқ врачлик пункти шаҳардаги шифохоналарникидан асло қолишмайдиган, энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда жарроҳлик амалиётларини ҳам бемалол қўллаш мумкин. Шундай қулайликларни кўриб, бундан ўттиз йил аввал юз берган бир воқеа эсимга тушади. Ўшанда эндигина Тошкент тиббиёт институтини битириб, бир олам орзулар қанотида учиб юрган ёш шифокор эдим. Мени давр талабига кўра, вилоятнинг чекка қишлоқларидан бирига 3 йил ишлаб бериш учун жўнатдилар.**

## МАРКАЗГА ҚАТНАШ ШАРТ ЭМАС

Қишлоқ шифохонасига кўникиб-кўникмай юрган кунларимнинг бирида хонамга бир беморни олиб келишди. Ташҳис натижасига кўра, уни зудлик билан операция қилиш керак экан. Қишлоқда эса, ҳатто, биринчи ёрдам кўрсатиш учун оддийгина шароит ҳам йўқ эди. Беморни тезлик билан туман марказига олиб боришга мажбур бўлдик. Вақтида етказиб келганлигимиз учун ҳаммаси яхшилик билан тугади. Аслида бу оддий кўричак касаллиги эди...

Бугунги кунда 22 та даволаш-профилактика муассасаларида 194 малакали шифокор аҳоли саломатлигини муҳофаза қилаётир. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона, туғуруқ бўлими, юқумли касалликлар биноси ҳар томонлама қулайликларга эга. 16 та қишлоқ врачлик пункти аҳоли хизматида. Ўтган йилларда 14 та пункт Япониядан келтирилган 56 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Иккита қишлоқ врачлик пунктига "Саломатлик – 2" лойиҳаси асосида энг сўнгги тиббиёт жиҳозлари ўрнатилди. Бундан беш-ўн йил илгари айрим беморларнинг касалини аниқлаш, тўғри ташҳис қўйиш учун туман марказига юборишга мажбур бўлардик. Бугун замонавий ЭКГ, УЗИ, рентген аппаратлари бунга барҳам берди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида Туркистон, Мустақиллик, Ўзгариш қишлоқ врачлик пунктлари биноларини жорий таъмирлашга киришилди. Шошилинч тез тиббий ёрдам мажмуасини "Саломатлик – 2" лойиҳаси доирасида, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ҳам режалаштирилган. Ёлғиз қариялар, боқувчиси йўқ ҳамда ногиронларни бирламчи тиббий текширувлардан ўтказишга ҳам жиддий эътибор берилаяпти. 2 ёшгача бўлган болаларни 100 фоиз эмлаш мўлжалланган. ОИТС, вирусли гепатит "А", вирусли гепатит "Б" юқумли касалликларидан сақланиш тадбирларини ўтказиш анъанага айланган.

**Ҳамида ЭРГАШОВА,**
**туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.**

Зангиота қишлоқ шифокорлик пунктида 16 минг 894 нафар аҳолига 7 нафар шифокор ҳамда 25 ҳамшира сифатли тиббий хизмат кўрсатади. Врачлик пункти Япония гранти асосида 50 миллион сўмлик замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган.
**СУРАТДА:** бош шифокор (ўртада) Муҳайё Турғунова навбатдаги режалар хусусида фикрлашмоқда.

**Йилнинг "Энг яхши фан ўқитувчиси" танлови ғолиби Дилдора Обидова ўқувчиларга давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим бермоқда. Энг муҳими, ёшларни мустақил фикрлаш, қобилият ва иқтидорини намоён этишга руҳлантирмоқда. Туманимиз умумтаълим мактабларида бундай юқори малакали педагоглар кўп.**

## ТАЖРИБАЛАРИМИЗ ОММАЛАШСА АРЗИЙДИ

1920 ўқитувчининг 900 нафардан зиёди юқори тоифали. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида мактабларимизни янги педтехнологиялар асосида жиҳозлашга жиддий эътибор қаратаяпмиз.

Хусусан, "Таълим секторини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида 6 та мактабнинг ҳар бири 4 минг АҚШ доллари миқдорида замон талабларига мос ўқув мебеллари ва жиҳозлари билан таъминланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумиллий дастури"га асосан 11, 13, 27, 43-мактаблар капитал реконструкция қилинмоқда. 14-мактаб эса, капитал таъмирланади.

2008-2009 ўқув йилида мактабларни 2920 нафар 9-синф ўқувчилари тамомлайди. Уларнинг барчаси туман ва вилоят касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларга йўналтирилади.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўзига хос илғор тажрибаларимиз ҳам бор. Масалан, ҳафтанинг жума куни барча умумтаълим мактабларида ўзини-ўзи бошқариш ва маънавият куни, деб эълон қилинган. Шу куни мактабларда дарсларни фақат ўқувчилар бошқаради. Ўқитувчилар эса, кузатувчилик қиладилар. Бу жараён ёш авлодни мустақил фикрлаши, билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этаётир. Яна бир оммалашган тажрибамиз "Ободонлаштириш истиқболи" режасидир. Мактабга илк бор қадам қўйган ҳар бир ўқувчи "Ёш авлод боғи"га ўз қўллари билан ниҳол экади ва ўз кўчатини доимо парваришлаб боради. "Битирувчилар боғи", "Устозлар боғи" ҳам шу анъана асосида юзага келган. Бу тажриба ўқувчиларни табиатга, она Ватанга бўлган муҳаббатини оширишда катта аҳамиятга эга. Ҳозир бу тажрибаларимиз вилоят туман ва шаҳарларида оммалашмоқда.

Болани ёшликдан касб-ҳунарга қизиқтиришда гап кўп. Шу мақсадда эски бино ўрнида ёшлар ижодиёти маркази қад ростламоқда. Марказ иш бошлагач, миллий ҳунармандчилик, рассомчилик, чеварлик, авиамодель каби 9 йўналишда тўгараклар фаолият кўрсатади.

Умумтаълим мактабларида спортнинг оммавий турларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётир. 10-умумтаълим мактабида ўзбек жанг санъати тўгараги очилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмагида ташкил этилган бу тўгаракда ўқувчилар янги ўзбек жанг санъатидан сабоқ оладилар. Бундан ташқари, ёпиқ сув ҳавзаси иншооти бунёд этилмоқда. Бу объектга 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилган.

**Абдулла РАҲМАТИЛЛАЕВ,**
**туман халқ таълими бўлими мудири.**



"Оригинал Грант" масъулияти чекланган жамияти бу йил ўзининг савдо мажмуасини очди. Корхона асосан полеэтилен ҳамда салқин ичимликлар учун пет ишлаб чиқаради. Бу ерда 17 киши иш билан таъминланган. Бир ойда 15-20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.
**СУРАТДА:** (ўнгдан) оператор Абдуҳалил Қаюмов ҳамда Мақсуд Қорёғдиев янги маҳсулот сифатини назорат қилмоқда.

## ҒАЙРАТИ БОРГА ИШ ТОПИЛАДИ

**Тайинли иши бор одамнинг хонадонида, рўзғорида барака бўлади. Бунга эришиш учун янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, касаначилик, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Хусусан, туманда жами 4656 янги иш ўринлари яратиш мўлжалланган. Янги объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ҳисобига ўтган 4 ойда 58 та, кичик корхоналар, микрофирмаларни ташкил қилиш орқали 487 та муқим иш ўринлари очилди.

Қишлоқ шароитида уй меҳнатини ташкил қилиш орқали аҳолининг муайян қисмини иш билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шуларни эътиборга олиб, 210 та касаначилик иш ўринлари яратилиб, кўзланган режа 105 фоизга бажарилди. Шунингдек, инқирозга қарши дастур ва қўшимча чоралар бўйича эса, 503 нафар аҳоли иш билан таъминланди. Бу борада туман дастурида белгиланган вазифалар ҳам тўла адо этилди.

Ўтган давр мобайнида марказга иш сўраб 553 фуқаро мурожаат қилди. Уларнинг 532 нафари ишга жойлаштирилди. 17 нафарига вақтинча ишсизлик мақоми берилди. 15 киши қайта касб тайёрлашга юборилди, 2 нафарига эса ишсизлик нафақаси тайинланди. Шу ўринда айтиш мумкинки, мамлакат Қуролли Кучлари захирасига бўшатилган фуқаролар истиқболига ҳам жиддий эътибор қаратилаяпти. Улардан 62 нафари қулай иш жойларида меҳнат фаолиятини бошлади.

**Т. ЖЎРАБОЕВ,**
**туман бандликка кўмаклашувчи марказ директори.**

**Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ, Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.**

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт



## ЖАМОАЛАРИМИЗ МЕҲМОНДА ТЎП СУРИШАДИ

**Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган "Пахтакор" ва "Бунёдкор", Осиё конфедерацияси кубоги иштирокчиси "Нефтчи" жамоалари мазкур мусобақаларнинг гуруҳ босқичидан муваффақиятли ўтиб, бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.**

"Пахтакор" футболчилари кейинги босқич масаласини муддатидан олдин ҳал қилган эди. "Бунёдкор" эса "D" гуруҳидаги иккинчи йўлланмани қўлга киритиши учун сўнгги – олтинчи тур учрашувида Бирлашган Араб Амирликларининг "Аш-Шабаб" жамоасидан очко олиши талаб этиларди. Тошкентда ўтган учрашувда ҳамюртларимиз бу масалани ижобий ҳал қилди.

Ўйин "Бунёдкор" футболчилари устунлигида ўтди. Лекин тошкентликлар яратилган қулай имкониятлардан унумли фойдалана олмади. Учрашувда ҳисоб очилмади – 0:0. Шундай бўлса-да, дуранг натижа "Бунёдкор"ни плей-офф босқичига олиб чиқди.

Энди "Бунёдкор" сафарда нимчорак финалда Эроннинг "Персеполис" жамоасига қарши майдонга тушади.

Афсуски, иккинчи жамоамиз "Пахтакор" ҳам ўз майдонида тўп суриш имкониятига эга бўла олмади.

Ар-Риёддаги 2:0 ҳисобидаги мағлубиятдан сўнг Виктор Жалилов шогирдлари сафарда Саудия Арабистонининг Ал-Иттифоқ жамоаси меҳмони бўлишади.

Осиё конфедерацияси кубоги мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси "А" гуруҳидаги иккинчи йўлланмани қўлга киритди. Мазкур турнирда илк маротаба иштирок этаётган водийлик чарм тўп усталари сўнгги учрашувда Яманда "Ал-Тилол" жамоасини 5:0 ҳисобида енгди.

"Нефтчи" тўпурари Алишер Ҳолиқов кетма-кет учта тўп киритиб, жамоасининг муҳим ғалабасига катта ҳисса қўшди. Ўйин охиригача Умид Боқиев ҳам яманликлар посбонини ўз дарвозасидан яна иккита тўп олиб чиқишга мажбур қилди.

Энди Юрий Саркисян шогирдлари 26 майга белгиланган нимчорак финал учрашувини Сурияда "Ал-Мажид" жамоасига қарши ўтказади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



– Мен, албатта шифокор бўламан!

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

*Жонкуяр муаллифларимиз*

## ШИРАЛИ ТИЛ СОҲИБИ

**Ҳар бир ижодкорнинг маънавий-маданий ҳаётда ўз ўрни бўлади. Шу маънода ёзувчи Саъдулла Сиёев ҳаётимизнинг туб янгиланиш жараёнларида алоҳида нуфузга эга ижодкор. У адабиётга ўз ҳажвий-юмористик асарлари билан кириб келди. Жаҳон адабиётининг бу жанрда ижод қилган таниқли намоёндаларининг маҳорат мактаблари, ўзбек халқ оғзаки ижоди, классик адабиётининг мазкур йўналишдаги бой тажрибаси, қолаверса, замондош устозлар Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ва Саид Аҳмадлар билан жонли мулоқотлар ижодкор қалами маромида чархланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.**

Саъдулла Сиёев дастлабки ҳикояларидан бошлаб нозик тасвир устаси, теран нигоҳ соҳиби эканлигини намоён этди. Қаҳрамонлари хислатлари ширали тил, ўйноқи иборалар воситасида китобхоннинг кўз ўнгида бутун мураккаблиги, фақат ўзигагина хослиги билан яққол гавдаланади.

Саъдулла ака билан 1965 йилнинг охирги кунлари яқиндан танишдик. Ҳозирги Зангиота туман газетасининг янги йил сони тараддудида эдик. Тўртинчи саҳифа учун ҳикоями, ўқишли бирор ҳангомами топиш керак эди. Шунда муҳаррир ўринбосари Салоҳиддин Муҳиддинов индамай хонадан чиқиб кетдида, кечки пайт қайтиб келди:

– Байрам сонига шу ҳикояни берсак, – деди. Кейин кулимсираб, қўшиб қўйди. – Ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган.

Бу – Саъдулла Сиёевнинг "Янги йил оқшоми ҳангомаси" эди. Уни яхлит эълон қилдик, кейинчалик қишлоқларга чиққанларимизда газетхонлар унда тасвирланган воқеаларни кула-кула гапириб юришганига гувоҳ бўлганмиз.

1988 йилнинг охирларида дабдурустдан "Муштум" журнали бош муҳаррирлигига тайинланган куним кечки пайт ёзувчи Муроджон Мансуровни қидириб ҳовлисига бордим, уни ўринбосарликка таклиф қилдим.

– Саъдулла ака шу кунларда хонанишин, уйда ўтирибди, – деди Муроджон. – Масъул котибликка олиб келсангиз, бирга ишлашга розиман.

Уч киши "Муштум"да иш бошладик. Адабиёт бўлимига Анвар Обиджонни, бошқа кучли ёшларни олиб келдик. Журнал кейинги сонидан бошлаб қўлма-қўл ўқиладиган бўлиб кетди. Саъдулла Сиёев шундай таҳрир қилардики, ўрнига тушган биргина сўз, ибора ҳар қандай материалга "жон" бағишлаб юборарди.

Кейинчалик у телевидениеда, радиода, "Гулистон" ва "Ёшлик" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририятларида самарали хизмат қилди. У қаерда ишламасин, атрофига республиканинг таниқли, шижоатли қаламкашларини тўплар, таҳририятларни чин маънода гуллатиб юборарди.

Саъдулла Сиёев ижодга сидқидил, заҳматкаш. У шунчаки "ижод қилиш" учун ёзмайди. Хоҳ бир шингил ҳангома, хоҳ ҳикоя ёки қисса бўлсин, асосида тўлғоқли бир дард ётади. Ижодкор фақат ўзига хос "оҳанглар" билан шундай тасвирлайдики, ўқувчи дафъатан қотиб-қотиб кулади. Жиддий ўйлаб қолади. Саъдулла аканинг ҳажвий ҳикоялари, қиссаларини ўқиётганимда қулоқларим остида Гоголь қаҳрамонининг "Кулаяпсиз... Кимнинг устидан кулаяпсиз?" деган сўзлари жаранглаб тургандек бўлаверади.

Саъдулла Сиёевнинг "Саратонда қор ёғди", "Қора кўзойнакли меҳмон" қиссалари ўқувчиларни "уйғотиб" юборадиган, уларнинг руҳиятида ўзгариш ясайдиган асарлар. Хоразмда бўлганларимда, шоир Аваз Ўтар зурриёдлари билан суҳбатларимни ҳалиҳануз алоҳида бир завқ билан эслайман. Саъдулла аканинг бу оташин шоир ҳақидаги романини ўқиганимдан сўнг, менда ҳам улар билан учрашиш, гурунглашиш иштиёқи уйғонди.

Ёзувчи Саъдулла Сиёев маънавий ҳаётимиз устунларидан бирини бутун қадди-басти, маъно-моҳияти билан халқимизга қайтариб берди, десам хато бўлмас. Икки қисмли "Яссавийнинг сўнгги сафари" романи шундай асар бўлди.

Саъдулла ака билан ҳамкор, ҳамнафаслигимиз ҳамон давом этмоқда. Ижодкорнинг эпкинли публицистик мақолалари, жозибали ҳикоялари, қиссалари, "бир тутам" ҳангомаларини "Тошкент ҳақиқати" ўқувчилари деярли ҳар бир сонда ўқишаяпти. Катта ҳаётий тажриба, ижодий маҳорат соҳиби Саъдулла Сиёев бугун мамлакатимизнинг етук сўз санъаткори сифатида қалам тебратиб, адабиётимизда, маънавий ҳаётимизда ўзига хос мактаб яратди. Унинг мактаби ҳар қандай таъна, шахсий мақсадлардан ҳийла юқори туради. У ўз ижоди, шахсий ибрати билан устозлари руҳини шод қилмоқда, замондошларига одамийликдан, ахлоқдан, маънавий мукаммалликдан унутилмас сабоқ бермоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**



## ХОТИРА ТУРНИРИ

**Бўстонлиқ туманидаги Қораманас қишлоғида ҳар йили машҳур қишлоқ хўжалиги ходими Ашурбек Абдухолиқов хотирасига бағишлаб турли спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган.**

Дзюдо бўйича бўлиб ўтган халқаро турнир ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Унда вилоятимиз спортчилари билан бир қаторда қўшни Қозоғистон республикасидан ҳам таниқли полвонлар иштирок этдилар.

Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Учқун ҲАМДАМОВ.**

*Умид ниҳоллари – 2009*

## ЮРТ МАШЪАЛАСИ ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТАДИ

Спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси қаторида халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва касаба уюшмалари кенгаши каби ташкилотларнинг олиб бораётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Ташкилотларнинг бири бевосита машғулотларга маъсул бўлса, яна бошқа бир мутасадди спортчиларнинг кийим-бошига жавоб беради. Ҳар кимда ўзига яраша вазифа ва топшириқ бор.

Тайёргарлик аъло даражада. Хўш, спортчиларимизнинг кайфияти қандай? Мусобақаларга кетиш олдидан уларнинг айтар сўзлари бордир?!

– Болаликдан стол тенниси билан шуғулланаман, – дейди терма жамоамиз аъзоси Марҳабо Аъзамова. – Қатор халқаро, республика ва вилоят чемпионатларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаганман. Бундай муваффақиятларга эришишимда менда ғалабага бўлган ишонч, қатъият ва масъулиятнинг борлиги сабаб бўлган, деб ўйлайман. Насиб этса, Сирдарёдан ёруғ юз билан қайтаман. Қолаверса, Тимур Нўъмонов, Вячеслав Брюков ва Ольга Ким каби жамоадошларимнинг олтин медаль соҳиби бўлишларига ишонаман.

– Бувим менга "Сенинг исмингни бекорга Достон деб қўймаганмиз. Кураги ерга тегмайдиган полвон, таърифи тилларда достон бўлсин, деб шу исмни танлаганмиз", – дейдилар, – суҳбатга қўшилади белбоғли кураш бўйича спортчимиз Достон Ғофуров. – "Умид ниҳоллари"га бориб, бувижоним орзусини рўёбга чиқармоқчиман. Устига устак, белбоғли курашда ютқазиб қўйиш паркентлик ўғлонга ярашмайди, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, терма жамоамиз таркибида ана шундай ўзига ишонган, умидли ва иқтидорли спортчилар талайгина. Ахир, ўзига ишонган спортчигина майдонга туша олади-да. Майдондан фақат ғалаба билан чиқишига эса ундаги ор-номус, унга ишонганларнинг меҳру эътибори сабаб бўлади, назаримизда.

Шу ўринда спорт мусобақаларининг машъаласи ҳақида айтиб ўтсак. Ташкилий қўмита томонидан "Умид ниҳоллари – 2009" машъаласини аланга олдириш ва Гулистон шаҳрига етказиш бўйича амалга ошириладиган ташкилий-амалий тадбирлар низоми ишлаб чиқилди. Унга кўра, машъала ва олов сақлаш қурилмасини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, аланга олдириш, тантаналарни ташкил этиш, автомобиль эстафетаси орқали мусобақа манзилига етказиш Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши томонидан амалга оширилади.

– Бу йил Паркент туманидаги "Қуёш физикаси" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида йигирма иккинчи машъала аланга олдирилади, – дейди "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раиси ўринбосари Шарифжон Мўминжонов. – "Умид ниҳоллари – 2009" спорт мусобақалари машъаласини манзилга етказиш масофаси 182 километр. Шундан 166,8 километри автомобилда босиб ўтилади, қолган масофада эса пиёда спортчилар эстафетаси ўтказилади.

Маълумотларга қараганда, "Қуёш физикаси" бирлашмасида, Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманларида ва Тошкент шаҳрининг Бектемир тумани марказларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши белгиланган. Бунинг учун 388 нафар спортчи ёшлар, 4 нафар республикада хизмат кўрсатган спортчи, 16 нафар мутахассис, 8 нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда 15 нафар турли хизмат мутахассислари жалб этилади. 3 та йўл-патруль хизмати автомобили, ўзимизда ишлаб чиқарилган 1 та "Ласетти", 1 та "Нексия", 4 та "Матиз" ва 3 та "Дамас", 1 та тиббий ёрдам ва 1 та фавқулодда вазиятлар хизмати автомобиллари улар хизматида бўлади.

– Машъала алангаси – давлатимиз раҳбарининг "Шу азиз Ватан учун ёниб яшайлик!" деган даъватларини барчанинг, айниқса, ёш авлод онгу шуурида яна бир бор акс-садо бериши шубҳасиз. У яна бир бор аланга олишга муштоқ, – дейди машъала ва олов сақлаш қурилмасининг ҳаммуаллифи, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази директори ўринбосари Шокарим Шоумаров. – Ҳар қандай нуфузли мусобақага, у республикамизнинг қаерида ўтказилишидан қатъи назар, Тошкент вилояти доимо ярим мезбон бўлиб келган. Чунки, машъала айнан вилоятнинг Паркент туманида аланга олдирилиши ажиб анъанага айланди.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ...

Бу воқеани Тошпўлат дўстим ҳикоя қилиб берди.

Мулла бобо катта-кичикнинг иззатида. Йиғинлардан қолмасликка ҳаракат қилади. Амри маъруфлар усиз ўтмайди. Кенжа ўғли доим қўлтиғида. Мулла бобога ҳам, меҳрибон ўғлига ҳам ҳамма раҳмат айтади.

Тенгқури Зоҳид бобо бир куни ҳазиллашиб:

– Ўзингниям, болангниям қийнайверасанми? Омонатини ўзига топшириб қўя қолмайсанми? – деди.

– Аллоҳга шукр! Мен доим тайёрман. Фақат сен "Дўстим қаерга кетди?" деб ортимдан шошиб бориб қолмайсанми, – деди Мулла бобо жилмайиб.

Вақти соати етиб, Мулла бобо қазо қилди. Зоҳид бобо жанозада қатнаша олмади. Одамлар қабристондан қайтганида Зоҳид бобо ҳам омонатини топширгани ҳақидаги хабарни эшитдилар.

*Яхшию ёмон сўзга,*
*Фаришта «омин», деркан.*
*Яхши сўз – дармон бизга,*
*Ёмони бошни еркан...*

**Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ.**


Янгийўл туманидаги 48-умумтаълим мактаби томонидан 2007 йилда Раҳимбоев Бекзод Тожимирзаевич номига берилган O`R-SH № 0748298 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Общество с ограниченной ответственностью "BALANCECO2 CARE" (ООО "BALANCECO2 CARE") (ИНН 300853244), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Мукими, д. 178 ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение собрания учредителей № 1 от 22.05.2009 года).
Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления.

Общество с ограниченной ответственностью "KREDIT OSIYO" (ООО "KREDIT OSIYO") (ИНН 202535617), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Тарас Шевченко, д. 31 ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение собрания учредителей № 3 от 12.09.2008 года).
Претензии принимаются в течение 1-го месяца с момента опубликования указанного объявления по тел.: 281-40-61.

Самарқанд вилояти, Пахтачи туманидаги 9-ўрта мактаб томонидан 1992 йил 16 июнда Эшқуватова Мохира Рузибоевна номига берилган № 179569 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2002 йилда Ўринов Амон Қаюмович номига берилган В № 055326 рақамли бакалавр диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО «SLONYARA PLUS» (ИНН 300916623) зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимиятом М. Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр. № 004029-04 от 04.02.2008 г.), расположенное по адресу г. Ташкент, М. Улугбекский р-н, ул. Ирригатор, д. 5, кв. 7 **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собрания учредителей № 1 от 20.05.2009 г.).
Претензии принимаются в течение 1-го месяца с момента опубликования указанного объявления по тел.: 158-88-89.


*Рассом хандаси*




Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

*Bu qiziq*

## UYGA QURUQ QAYTISHADI

Boris Ciklovskiy kompyuterchi bo`lib ishlaydi. Uning Belka va Olesya laqabli mushuklari bor. Ular uchun uyga kiraverishga kichkinagina eshikcha qilingan. Mushuklar istagan paytlarida ushbu eshiklardan chiqib, sayr qilib keladilar.

Ularning kalamushlar, sichqonlarni tutib yoki bo`lmasa turli mayda o`yinchoqlarni uyga tashib keladigan odatlari bor. Boris mushuklar kirib-chiqadigan eshikchaga kompyuterni uladi. Mushuklar eshikka yaqinlashishi bilan ular olib kelayotgan narsa suratga olinib, kompyuterda aks etadi. Mushuklarning biron nima ko`tarib kelayotgani kompyuterda aks etsa, eshik ochilmaydi. Agar mushuklar quruq qaytishsa, eshik bemalol ochiladi. Bu tajriba qo`llanilayotganidan ikki oy o`tib, mushuklar biron nima ko`tarib kelsalar, uyga kirolmasliklarini tushunib etdilar. Endi Olesya ham, Belka ham uyga quruq qaytadigan bo`lishdi.

**Fayzulla ABDULLAEV tayyorladi.**




Қибрай туман Рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2005 йил 25 апрелда № 60 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "KOLOR OIL INVEST" МЧЖ (ИНН 205631076) ўз низом жамғармасини 34155000 сўмдан 28980000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.
Даъволар Қибрай тумани, Салар ш.ф.й., Университет кўчаси, 17-уй ҳамда 171-20-80 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

"ABLAY-MIRZA" хусусий корхонасига 2009 йил 6 январда берилган реестрдаги тартиб рақами № 0004363 бўлган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Якка тартибдаги тадбиркор Халиков Ровшан Таирович номига берилган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Считать недействительным пакет кадастра и свидетельства серии ТА № 0673939, выданный Худойберганову Ахмадали на основании решения суда от 29 апреля 2009 года.

Тошкент вилоят Давлат педагогика институти томонидан Мирзаев Эркинбой Мирсмонович номига 04.07.1990 йилда берилган МВ-I 092256 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный план дома, выданный на имя Эгамбердиева Нодиржона Нуманжоновича, находящийся по адресу: г. Ташкент, Учтепинский район, Чиланзар-31-52-157,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8441. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 5 6 7 8